

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 29 август • № 34 (1003)



Ягонасан, муқаддас Ватаним, себғи ва садоқатим
сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

ДАВЛАТ МИҚЁСИДАГИ ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22-25 августдаги Фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки, шунингдек, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматиға сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимизнинг давлатимиз юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги ҳар биримизда фахрият ҳисси туйғусини уйғотди.

Албатта, ана шундай мукофотланганлар орасида тиббиёт ходимларининг борлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Жумладан:

“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан Низамходжаев Зайниддин Махаматович – Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлим мудири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

Мурмусаева Гулнора Кўчқоровна – Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази референс лабораторияси мудири

Омонов Шавкат Эргашевич – Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедраси мудири

Тошпўлатов Абдувоҳид Фаниевич – Республика ихтисослашган суюқ хасталиклари ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази директори

Узақбаева Замира Зарликбаевна – Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси педиатри

“Эл-юрт хурмати” ордени билан Абдуллаев Иброҳим – Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиоревматология бўлими мудири

Ибрагимов Азиз Юлдашевич – 1-Республика клиник шифохонаси бош шифокори, Тошкент шаҳри

Тошболтаева Дилоромхон Адхамовна – Фарғона туманидаги «Шоҳимардон» қишлоқ врачлик пункти мудири, Фарғона вилояти

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Наубетов Даулетяр Дауишбаевич – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали травматология бўлими мудири

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Аваков Вячеслав Ервандович – Тошкент тиббиёт академияси “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси профессори

Бекчанов Нурулла – Хоразм вилояти Богот тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилич тиббий ёрдам бўлими мудири

Миршина Ольга Павловна – Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази коммунал гигиена бўлими мудири

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Абдуллаев Мурод Бобожонович – Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими болалар реаниматологи

Бозорова Турсун Наврўзовна – Навоий вилояти перинатал марказининг чақалоқлар бўлими ҳамшираси

Шералиева Саёҳат – Фарғона шаҳар болалар уйи ҳамшираси

“Дўстлик” ордени билан

Тожибоева Назира Отахоновна – Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт мар-



казининг жарроҳлик бўлими мудири

Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна – Андижон вилояти Балиқчи тумани «Аълам» қишлоқ врачлик пункти мудири «Жасорат» медали билан

Расулова Нодира Холмуратовна – Бахмал тумани тиббиёт бирлашмаси шифокор-физиотерапевти, Жиззах вилояти “Шухрат” медали билан

Абдуллаева Малика Мирзажоновна – Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани “Дўстлик” қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

Абидова Зулфия Дилшодовна – Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника офтальмологи

Адилова Саида Арзиевна – Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси 7-сон поликлиника ҳамшираси

Кадирова Муяссар Джумаевна – Ўзбекистон соғлиқни

сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Каримов Мирвосит Мирвосикович – Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази бўлим мудири

Мирсаидова Муқаддас Олимхўжаевна – Қашқадарё вилояти Қарши тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

Носирова Муяссар Азизовна – Фарғона вилояти перинатал маркази бўлим мудири

Нуралиева Гулноза Саъдуллаевна – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази 1-шошилич педиатрия бўлими мудири

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимизнинг нуфузли мукофотларига сазовор бўлган тиббиёт ходимларини машаққатли меҳнатлари ортидаги улкан ютуқлари билан чин дилдан самимий қутлаб, муборакбод этамиз. Мазъулиятли ва шарафли ишларида омадлар ёр бўлишини талаб қоламиз.

Раҳмонова Насибхон Турсуновна – Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани “Хуррият” қишлоқ врачлик пункти мудири

Усмонова Луиза Тўхтасиновна – Жиззах тумани “Жиззахлик” қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори

Файзиматов Музаффар Азамович – Республика болалар ортопедия маркази чаноксон бўлими патологияси бўлими мудири

Хайдарова Зулхумор Расуловна – Андижон вилояти Олтинқул тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

Хўжаева Гулбахор Тошевна – Навоий вилояти Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси неонатологи

Фахр

ҚАЛБИМДА ШУКРОНАЛИК ТУЙҒУСИ

Барча соҳалар қатори Юртбошимизнинг республика соғлиқни сақлаш тизимига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари боис, мазкур йўналишда самарали ишлар олиб борилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада ошиб бормоқда. Бунинг баробарида давлатимиз томонидан тиббиёт ходимларининг меҳнатларига қаратилаётган муносиб рағбатлар ҳар соҳа мутахассисини ўз касбига меҳр ҳамда фидойилик билан ишлашга ундаётганлиги, албатта, фахрланарли ҳолдир.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан давлат мукофотига муносиб деб топилганимдан қалбим янада қувончга тўлиб, шундай ажойиб, жаннатмакон юрт фарзанди эканлигимдан янада фахрланиб кетдим.

2006 йилда "Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочили" кўкрак нишони, 2007 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" унвони билан тақдирланган бўлсам, бу гал халқимиз саломатлигини сақлаш йўлидаги камтарона меҳнатим "Эл-юрт хурмати" орденига муносиб кўрилди.

Истиқлолимиз шарофати билан тиббиёт тизимида бос-

қичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислохотлар замирида инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлигининг мужассамлиги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Президентимизнинг соҳа мутахассислари меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари боис, тизимдаги фаолиятлар ўз самарасини бериб, ютуқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, республика миқёсидаги шифо масканларининг замон талаблари даражасида қад кўтараётганлиги, энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар ҳамда ноёб технологиялар, шунингдек, малака-

ли кадрлар билан таъминланаётганлиги халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон тиббиёти ўзининг нуфузига эга бўлиб, тизимнинг ҳар бир йўналишида эришилаётган ютуқларимиз жаҳон ҳам-жамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Юртимизда энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллик тантаналари бошланган шу кеча-кундузда мен каби давлатимизнинг нуфузли ордени ва унвонлари билан тақдирланган шифокорлар кўнглидан қандай ҳис-туйғулар кечаётгани маълум. Меҳнатларимни ушбу давлат мукофотига муносиб деб топган Юртбошимизга чексиз миннатдорлигимни билдираман. Биз эл соғлигини юртнинг энг катта бойлиги ва хазинаси, деб биламиз. Халқи соғлом, юрти осойишта мамлакатнинг эса келажакка, эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлади.



Мустақил Ўзбекистонимизга асло кўз тегмасин дея, барча юртдошларимни ҳамда давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган ҳамкасбларимни истиклол байрами билан қизгин кутлаб қоламан.

Азиз ИБРАГИМОВ,
1-Республика клиник шифохонаси бош шифокори, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиб.

Дилдан суҳбат

«ИСТИҚЛОЛИМ, ТЕНГДОШИНГМАН»

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган 1991 йилда кўпга юртдошларимизнинг оилаларида ўғил ёки қиз фарзанд туғилиб, қувончларига қувонч қўшилганлиги яққол ҳақиқатдир. Мана, орадан 23 йил ўтиб, ўша чақалоқлар униб-ўсди, ривожланди, мактаб таълимини олди, коллеж ёки лицейда ўқиди, айти пайтда олий ўқув юрларини турли ихтисосликлар бўйича тамомлаб, ўз иш жойларига эга бўлдилар. Улар орасида тиббиёт йўналишидаги касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим даргоҳларида ўқиётган талабалар ҳам бўлиб, кўпчиликини ташкил этади.

Назира РАСУЛОВА,
Тошкент педиатрия
тиббиёт институти
5-босқич талабаси:



– Ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллик санаси яқинлашган пайтда оила аъзоларимиз, дугоналарим, таниш-билишларим мени ҳам ана шу тантана билан табриклашади. Қувонаман, кўнглимда истиклол билан тенгдош бўлганим учун фахрланиш, гуруларим туйғуси жўш уради. Кўнглимдан беихтиёр шундай ўй ўтади: неча йил умр кўриш пешонамга битилган бўлса, ҳар йили Ўзбекистон мустақиллиги санасида у билан тенгдошлигим, шонли тарихда жаннатмакон юрт билан бирга одимлаб келаётганни қайд этилаверади.

Юнусобод туманидаги 235-умумтаълим мактабини тамомлаганимдан сўнг Тошкент молия институти қошидаги академик лицейда уч йил таълим олдим. 2010 йилда ушбу лицей дипломи билан Тошкент педи-

олаётган яна бир талаба Дилафрўз Неъматова ҳам 1991 йилда таваллуд топган.

У 2008 йилда Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги 12-



умумтаълим мактабини тамомлаганидан сўнг болалар шифокори бўлиш орзусида ҳужжатларини Тошкент педиатрия тиббиёт институтига топшириб, тўлов-контракт асосида талабалikka қабул қилинди. Аммо катта миқдордаги тўловни оилавий бюджетдан амалга оширишнинг имкони бўлмагани учун 2009 йилда Дилафрўз яна бир бор уриниб кўрди. Бу галги натижа ҳам шундай, начора, келгуси йилдан умид.

– 2010 йилда ўз мақсадимга эришдим, педиатрия тиббиёт институтининг педиатрия факультетига 189 балл билан давлат гранти асосида қабул қилиндим. Қувончим чексиз эди, бу етти йил мобайнида педиатрия йўналиши асосларини чуқур эгаллаш, назарий ва амалий машғулотлар уйғунлигида етуқ мутахассис бўлиш учун шарт-шароит ва имкониятнинг қўлга киритилишидир. Дастлабки уч босқичда биз талабаларга мактаб, коллеж ёки лицейда эгаллаган умумтаълим фанлари яна бир сидра ўқитилди, билимимизни такомиллаштириб бўлганимиздан сўнг мутахассислик фанлари оддийликдан мураккаблик тамойилига риоя қилинган ҳолда ўргатилади, – дейди

истиклол тенгдоши Дилафрўз Неъматова.

Дарҳақиқат, барча курсдошлари қаторида педиатрия йўналишидаги ихтисослик фанларини чуқур ўрганиб бораётган Дилафрўз институтда ҳар бир талабанинг нафақат ўқиб-ўрганиши, балки ишлаб чиқариш амалиёти учун ҳам кенг имконият яратилганидан миннатдор. Ҳар бир ўқув йилида талабалар 10-12 та амалий характердаги машғулоти иштирокчилари бўлиб, турли даволаш муассасаларининг кундалик иш тартиби, шифокор ва бемор ўртасидаги муносабат, муолажа усуллари билан танишиб қайтадилар.

– Институтимиз қошидаги клиниканинг "Нур терапияси" кафедрасида икки ҳафта рентген апаратининг ишлаш жараёни билан танишдик. Одамнинг бош миёси ҳамда бутун танасини тасвирга оладиган томография ускунаси биз талабаларни жуда қизиқтирди. Қайси даволаш муассасасига бормаилик, бизга профессор-ўқитувчилар етакчилик қилишади. "Анатомия" кафедраси ўқитувчиси Акмал Фаниев, "Тери-таносил касалликлари" кафедраси ўқитувчиси Дилноза Рихсиева, Абдушукур Манноновларнинг ҳар бир мавзуга жиддийлик билан ёндашуви натижасида билим доирамиз кенгаймоқда, – дея ўз фикрини асослайди Дилафрўз.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ва айти пайтда турли даволаш муассасаларида меҳнат фаолиятини давом эттираётган кадрларнинг ўзига хос ўрни бор. Улар орасида 1991 йилда таваллуд топган кадрлар кўпчилик бўлиб, ҳамширалик, фельдшерлик ишини пухта ўзлаштириб олишган.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги 24-оилавий поликлиникада фаолият кўрсатаётган тиббиёт ҳамшираси Махфуза Тош-

қуватова ҳам эл саломатлигини сақлашдек эзгу ишда умумий амалиёт шифокорлари каби ҳисса қўшиб келади.

– Учтепа туманидаги 203-умумтаълим мактабининг тўққизинчи синфини тамомлагач, 1-республика тиббиёт коллежида таълимнинг кейинги босқичини давом эттирдим. Коллежимизда Япония давлатининг ЈКА гранти асосида таълим дастурларини амалга ошириш белгилангани амалга ошириш белгилангани учун биз ўқувчилар турли даволаш шохобчаларига бориб, ўз амалий билимимизни кенгайтирганмиз. Дастурга кўра, биз ўқувчилар барча стационар даволаш муассасаларида, ихтисослашган тиббий-амалий марказ ҳамда оилавий поликлиникаларда бўлиб, ўз касбий билим доирамизни кенгайтирдик. 40 нафар курсдошим ҳамширалик иши йўналиши бўйича битириб, айти пайтда кўпчилиги ўз соҳаси бўйича фаолият кўрсатмоқда. Айрим курсдошларим тиббиёт академияси ҳамда педиатрия тиббиёт институтида таълим оляпти, – дея хикоя қилади Махфуза.

Инсон қаерда туғилиб, қайси соҳада меҳнат қилмасин, унинг кўнглида фахр-ифтихор уйғотадиган, уни катта орзу-мақсадларга етаклайдиган воқеа-ходиса, куч ёки восита бўлади. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган сана – 1991 йилнинг қайсидир ойда таваллуд топган ўғил-қизларимиз бир умрга фахрланиши мумкин бўлган бахтга эришганлар. Йиллар ўтгани сари юртимиз мустақиллигининг 30-40-50, маврида келиб 100 йиллигини ҳам нишонлаймиз. Худди ушбу санани ўз юрти билан бир вақтда истиклол тенгдошлари ҳам байрам қиладилар. Улар туғилган 1991 йил тарих зарварларига абадул-абад зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Хулоса қилиб айтганда, уларнинг ҳар бир сўзи ва қадами истиклол билан ҳамоҳанг тарзда нури манзиллар сари одимлайверади ва жамият тараққиёти янада равнақ топишида ўз ўринларига эга бўладилар деб ишонч билдириб қоламиз.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

Ислохот одимлари

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ РИВОЖИ
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Бугун мамлакатимизда замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар салоҳияти билан таъминланган ҳамда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатадиган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи жадал ривожланган.

Шундай тиббиёт муассасаларидан бири Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳисобланади. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг Эндокринология илмий-тадқиқот институти негизда эндокринология соҳасида даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот ва методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилган.

Марказимиз юртимиз аҳолисининг эндокринологияда диагностика, даволаш ва профилактиканинг жаҳондаги илғор ютуқлари даражасида энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли услубларига бўлган эҳтиёжини таъминлаб келмоқда. Шунингдек, эндокринология соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларга замонавий жаҳон талабларидаги сифат ва стандартлар даражасида диагностика ва даволашни таъминлаш ҳамда ривожлантириш, тасдиқланган тариф бўйича аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, етакчи хорижий клиникаларда марказ ходимларини мунтазам равишда тор ихтисослик бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш борасида ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Муассаса эндокринологиянинг барча йўналишлари бўйича даволаш-ташхислаш ишларини олиб боради, жумладан, қандли диабет, қалқонсимон без, нейроэндокрин, репродуктив тизим касалликлари ва болалар эндокринологияси. Шифохона эса асосий ва ёрдамчи даволаш бўлимлари, ҳўжалик ёрдамчи кичик бўлимлардан иборат бўлиб, 246 ўринга мўлжалланган. Марказда беморлар амбулатор ва стационар тарзда даволанади. Маслаҳат поликлиникада аҳолига юқори малакали шифокорлар ташхислашнинг замонавий услулари орқали маслаҳат бериб, амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган марказий лабораторияда бемор учун зарур бўлган қон ва бошқа ҳар хил биокимёвий таҳлил такомиллашган, аниқ усулларда амалга оширилади. Шунингдек, радиоиммун, биопсия ва кариотип таҳлил лабораториялари мавжуд бўлиб, таҳлил беморнинг дардига тўғри ташхис қўйишда муҳим ўрин тутмоқда.

2007 йил июль ойида нуклеар тиббиёт бўлимида Nucline

TM SPIRIT DH-V икки тармоқли камера ўрнатилди ва ишга тушди. Унинг ёрдамида марказ паринхематоз аъзолар – қалқонсимон без, жигар, буйраклар, талок, юрак, суяк тизими функционал текширувидаги фаолиятини янада кенгайтиради. Бу текширувларда республика миқёсидаги беморларнинг касаллик ташхислари аниқланган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар компьютер орқали амалга оширилиб, унинг хотирасида сақланиб қолади.

Марказда босқичма-босқич диабет нефропатия, диабет тўпиқ, репродуктология, нуклеар тиббиёт бўлими, нейроэндокринология бўлимлари очилди ва ҳозирги кунда самарали фаолият олиб бормоқда. 2012 йилда Инвестиция дастури амалга оширилиши натижасида гемодиализ маркази, нейрожарроҳлик ва эндокрин жарроҳлик учун алоҳида жиҳозланган блоклар ташкил этилди.

Эндокринологиянинг энг асосий йўналишларидан бири – бу қандли диабетдир. Инсоннинг ҳаёт тарзи ва ирсий мойиллиги билан боғлиқ ушбу касаллик дунёда энг кўп тарқалган оғир касалликлардан бири бўлиб,

жамоаси зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, ходимлар доимий равишда хизмат сафарларига чиқиб, ҳудудлардаги эндокринолог-шифокорлар билан биргаликда халқимиз соғлиғи йўлидаги хайрли ишларини давом эттираяпти.

Марказда болалар ва ўсмирларда 1-тур қандли диабет ва катталарда 1 ва 2-тур қандли диабет касалликлари билан оғриган беморларнинг регистри тузилди. Ҳар йили 1-тур қандли диабет беморлари – болалар ва ўсмирлар бўйича регистрнинг мониторинги ўтказилиб, соғлиқни сақлаш амалиётига қандли диабет регистри картаси жорий қилинди.



қандли диабетга чалинганлар доимо шифокор ёрдамига муҳтождирлар. Марказда бу касалликни даволашда янги усуллар жорий қилиниб, шифокор ва илмий ходимларда унинг ҳар қандай оғир оқибатларини бартараф этиш учун катта тажриба, илмий салоҳият етарли.

Бундан ташқари, 2012 йил май ойидан бошлаб сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичидаги қандли диабет беморларга гемодиализ муолажалари ўтказилмоқда. 2013 йилда бўлимда қандли диабет касаллигининг асорати – диабет нефропатияси, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда 4938 дан орტიқ гемодиализ амалиёти ўтказилди.

Республикада қандли диабет касаллиги профилактикаси ва аҳоли орасида ушбу касаллик тўғрисида маълумот бериш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш, беморларга ўз-ўзини назорат қилиш учун махсус билим бериш учун диабет мактаблари ташкил этишда марказ

қалқонсимон без ва қалқонсимон без олди жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади. Бу ўринда устоз шогирдлар биргаликда жарроҳлик амалиётларига жиддий ёндашиб, ҳар бир беморнинг ҳаёти учун масъулиятни ўз зиммаларига олишини алоҳида таъкидлаш керак.

Марказ клиникасининг тиреоид бўлимида буқоқ турлари билан келган беморлар стационар даволанадилар. Айтиш жоизки, буқоқ хасталиги йод танқислиги туфайли юзага келади. Мамлакатимизда йод танқислиги касалликларининг олдини олиш, даволаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши натижасида ҳудудларда йод танқислиги хасталиги тарқалишининг камайишига ва барқарорлашувига эришилди.

Клиниканинг болалар бўлимида турли эндокрин касалликлари билан оғриган болалар стационар шароитда даволанадилар. Ушбу бўлимда болалар қандли ва қандсиз диабет, буқоқнинг ҳар хил турлари, пақана бўйлилик, буйрак усти бези фаолиятининг туғма нуқсонлари, жинсий ривожланишдаги камчиликлар малакали шифокорлар ва илмий ходимлар томонидан аниқ ташхисланиб, даволаш чоралари кўрилмоқда.

Марказда 8 нафар фан доктори, 28 нафар фан номзоди

илмий-тадқиқот олиб бориш билан биргаликда беморларга маслаҳат хизмати, шифокор-эндокринологларни эса илм-фан янгиликлари, замонавий технологиялар билан таништириш жараёнига жалб этилган. Шунингдек, марказда магистрантлар таҳсил олишади, улар муассасанинг илмий лойиҳаларида иштирок этиб, устозлари раҳбарлигида ўз илмий тадқиқотларини олиб борадилар.

Марказда тиреоидология, эндокрин жарроҳлик, диабетология, нейроэндокринология, репродуктив эндокринология бўйича ўзига хос мактаблар яратилган бўлиб, етакчи ходимлар турли вилоятларга чиқиб, шифокор-эндокринологларга мазкур йўналиш бўйича маҳорат дарсларини мунтазам равишда ўтказиб келадилар.

Марказга ҳар йили тор мутахассислар бўйича клиник ординаторлар қабул қилинади ва улар шифокорлар раҳбарлигида ўз клиник амалиётларини ўтайдилар. Ординаторлар клиник амалиёт билан биргаликда ўз соҳалари бўйича машғулотларда иштирок этиб келишмоқда.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокорлари йил давомида ўтказиб бориладиган эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар, семинарларда иштирок этиб келишади. Маҳорат дарсларини олиб бориш эса кўп йиллик ажойиб аънанадир. Шундай анжуманлар ва улар доирасида ўтказиладиган давра суҳбатлари, мунозаралар шифокорларни эндокринология йўналишидаги барча янгиликлардан хабардор этса, фаолиятини эндигина бошлаган ёш мутахассисларнинг соҳа бўйича билим ва малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этиши табиийдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эндокринология соҳасида эришилган ютуқлар кам эмас. Замонавий тиббий технологиялар ёрдамида бу йўналишда кўрсатиладиган ихтисослаштирилган ёрдам аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз шифокорларини мустақиллигининг 23 йиллик байрами билан чин дилдан қутлайман.

Саид ИСМОИЛОВ,
Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

Шаги реформ

КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД

обеспечил высокий уровень современной системы здравоохранения

Влагодаря вниманию Президента Ислама Каримова особое значение в годы независимости обрело развитие системы здравоохранения. Реализованные инициативы, целевые проекты, соответствующие государственные программы, развитие законодательной базы позволили создать в нашей стране современную систему здравоохранения, получившую признание на международном уровне. Это является свидетельством тому, что суверенный Узбекистан выбрал верный путь развития, стратегию, где будущее народа и каждого отдельного человека являются неоспоримой ценностью.

Уже с первых лет независимости был взят курс на воспитание здорового и гармонично развитого поколения, с которым напрямую связан завтрашний день страны, ее благополучие и процветание, положение на мировой арене. Этот вопрос, находясь в центре внимания руководства нашей республики и общества, является приоритетным направлением государственной политики.

Одним из наиболее важных механизмов достижения поставленных целей является четкое исполнение принимаемых законов, постановлений и указов. Только за последние два десятилетия в стране было принято более 15 законов, направленных на дальнейшее развитие системы здравоохранения. Важными этапами стали принятые законы "Об охране здоровья граждан", "О противодействии распространению заболевания, вызываемого вирусом иммунодефицита человека (ВИЧ-инфекция)", "О профилактике микронутриентной недостаточности среди населения", "О лекарственных средствах и фармацевтической деятельности" и ряд других.

В целях укрепления и развития здравоохранения было принято около 10 указов и 15 постановлений Президента Республики Узбекистан. В соответствии с этими указами успешно проводятся мероприятия по реформированию системы здравоохранения.

Важнейшим направлением Государственной программы реформирования здравоохранения является совершенствование оказания первичной медико-санитарной помощи сельскому населению. На сегодняшний день по республике организовано более трех тысяч сельских врачебных пунктов, которые оснащены современным медицинским оборудованием.

Отличительной чертой проводимой нашей страной политики является то, что ежегодно на развитие социальной сферы из Государственного бюджета выделяется порядка 60

процентов, в том числе и на здравоохранение. Также необходимо отметить, что только за последние четыре года значительно возрос объем инвестиций, направляемых на развитие материально-технической базы здравоохранения. В результате строятся новые объекты и реконструируются действующие. Так, в рамках государственного проекта "Здоровье-3" в прошлом году были завершены закупка и доставка оборудования для оснащения 58 районных медицинских объединений рентгенодиагностическими установками двух типов, еще 115 аналогичных учреждений оснащены системами для оцифровки аналоговых рентгеноизображений, ультразвуковыми аппаратами, оборудованием для реанимации, диагностики, лабораторного отделения и стерилизационного оборудования. Еще 76 семейных поликлиник также были дооснащены необходимым оборудованием. В общей сложности, к примеру, только в прошлом году была проведена закупка необходимого инструментария для 158 районных медицинских объединений и 180 семейных, который будет поставлен к концу этого года.

Важным направлением является и внедрение современных инноваций и разработок в сферу здравоохранения. И здесь нашей стране по праву есть чем гордиться. К примеру, цикл работ из Республиканского специализированного центра хирургии имени академика В. Вахидова "Разработка и внедрение современных методов диагностики и лечения больных с сердечно-сосудистой патологией" получил в 2013 году Государственную премию Республики Узбекистан в области науки, техники, искусства и архитектуры I степени за достижения в медицинской науке. В результате их внедрения в клиническую практику удалось снизить послеоперационную смертность до 2,7-3 процентов и уменьшить на одну треть инвалидность трудоспособного населения, страдающего сердечно-сосудистой патологией, что соответствует показателям ведущих кардиохирургических центров. Это лишь один из большо-

го количества ярких примеров труда отечественных ученых-медиков во благо нашей страны, общества, населения, каждого конкретного человека.

Большое внимание уделено также вопросам создания благоприятных условий труда и оплаты работников сферы. Так, утверждена усовершенствованная система оплаты труда медицинских работников и приравненных к ним специалистов. В новой системе оплаты труда медицинских работников предусмотрено формирование должностного оклада сотрудника от его квалификационной категории, типа учреждения и подразделения с применением поправочного коэффициента, при этом медицинскому персоналу хирургического профиля и службы экстренной медицинской помощи тарифные ставки устанавливаются на один разряд выше. Дополнительно предусмотрена система надбавок в связи с опасными для здоровья и особо тяжелыми условиями труда, за заведование подразделением, за непрерывный стаж по специальности, за работу в ночное время и применение новейших технологий.

Также постановлением Президента Республики Узбекистан установлен порядок, в соответствии с которым 49 процентов акций ряда крупных медицинских специализированных центров передаются в пользование (без права распоряжения и разделения доли) их трудовым коллективам, с направлением причитающихся по ним дивидендов на материальное стимулирование работников в зависимости от их коэффициента трудового участия в конечных финансовых результатах деятельности специализированного центра.

Проводимые меры свидетельствуют о том, что в нашей стране здоровье граждан как социально-экономическая категория является неотъемлемым фактором трудового потенциала общества и представляет собой важнейший элемент национального богатства страны. Рождение здорового ребенка во многом зависит от социально-экономического положения и уровня образования семьи, здоровья родителей и всесторонней поддержки, включая доступ к качественной и квалифицированной медицинской помощи.

В рамках данной работы важным шагом можно считать то, что правительством разработаны и внесены на обсуждение проекты законов, которые также будут способствовать дальнейшему развитию сферы. Это, в частно-



сти, законопроект "О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения". Он разработан с целью регулирования отношений в области обеспечения санитарно-эпидемиологического благополучия населения.

В результате всестороннего и комплексного подхода, включающего совершенствование законодательной сферы, развитие и модернизацию материально-технической базы, совершенствование кадровой, профессиональной системы и внедрение стимулирующего подхода к оплате труда работников здравоохранения, на сегодняшний день достигнуто немало весомых результатов. Одними из них по праву можно считать снижение показателей смертности и то, что в целом значительное улучшение здоровья населения Узбекистана привело к увеличению средней продолжительности жизни с 70 до 73 лет.

Еще одним важным этапом в проводимой в этом направлении политике стала утвержденная Постановлением Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова от 1 августа 2014 года Государственная программа по дальнейшему укреплению репродуктивного здоровья населения, охране здоровья матерей, детей и подростков на период 2014-2018 годы. Она предусматривает дальнейшее усиление комплексных профилактических и лечебно-диагностических мер по предупреждению врожденных и наследственных заболеваний, совершенствованию системы патронажа здоровья матерей и детей, особенно в сельской местности, укреплению материально-технической базы педиатрических и родовспомогательных учреждений и включает 40 проектов. В ее рамках планируется принять меры по улучшению качества специализированных ме-

дицинских услуг, образовательных программ и учебного процесса медицинского персонала, расширить вакцинацию детей, строительство новых больниц и оснащение медицинских учреждений и так далее.

Такое отношение к вопросам здоровья населения вызывает большой интерес и у международной общественности. Высокая оценка и признание национальной модели здравоохранения Узбекистана даны со стороны региональных руководителей ВОЗ, ЮНИСЕФ, международных экспертов и всемирно признанных ученых в области здравоохранения. Региональным офисом ЮНИСЕФ по странам Восточной Европы, Балтии и СНГ Узбекистан признан региональной моделью по внедрению программ в области охраны материнства и детства. По оценке международной организации "Save the children" ("Спасем детей", Великобритания) Узбекистан вошел в десятку стран-лидеров в составленном мировом рейтинге государств, где лучше всего заботятся о здоровье детей, опередив многие развитые страны мира, в том числе Германию, Францию, Великобританию и США.

Все это является еще одним подтверждением высокой эффективности осуществляемой в Узбекистане с первых дней независимости государственной политики, важнейшим приоритетом которой является забота о воспитании здорового, гармонично развитого поколения.

Фахритдин РАДЖАБОВ,
председатель Комитета
Законодательных
Палаты Олий Мажлиса
Республики Узбекистан
по труду и социальным
вопросам.

Инсон саломатлигини таъминлаш, зарарли одатларга барҳам бериш, киши онгида ўз саломатлигини асраш бўйича фаол муносабатни шакллантириш, ўз соғлиғига бўлган эътиборни ошириш, соғлом турмуш тарзини ҳаёт мазмунига айлантиришда тиббиёт ходимларининг алоҳида ўрни бор. Шу боис, шарафли касб эгалари бўлмиш шифокору ҳамшираларга ҳар қанча ташаккур билдирсак арзийди.

Мен яқинда, яъни жорий

Дил изҳори

Ҳарбий шифокор — масъулиятли касб

Йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг офтальмология бўлимида даволаниб чиқдим. Бўлимда хизмат қилаётган врач ва ҳамширалар беморларга алоҳида эътибор қаратишда, барча муолажалар ўз вақтида, хушмуомалалик билан бажа-

рилади. Шунинг учун бу ерда яратилган шароит ва даволаш тизими юқори даражада ташкиллаштирилгани натижасида тезда касалликдан халос бўлдим, ўзимни яхши ҳис қилмоқдам.

Истиқлолимизнинг 23 йиллиги байрами арафасида фурсатдан фойдаланиб, госпиталнинг

бўлим бошлиғи, тиббиёт хизмати полковниги Фахриддин Қаршибоев, ординатор, тиббиёт хизмат майори Фарҳод Курбонов, бўлим катта ҳамшираси Н. Қамбарова, ҳамширалар Насиба, Динара, Гўзал, Марям, Ирода ва бўлимнинг бошқа ходимларига чексиз миннатдорлигимни билдирган ҳолда мус-

тақиллигимизнинг 23 йиллик байрами билан чин қалбдан табриклайман. Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахту саодат, ишлариға омад тилайман. Ҳарбий тиббиёт соҳасини ривожлантиришда, ҳарбийлар саломатлигини тиклашда ҳеч қачон чарчаманг, деб қоламан.

Янгибой САИДОВ,
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги иккинчи
бошқармаси
1-тоифали мутахассиси,
истеъфодаги полковник.

Инвестиция дастури амалда

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРДАН ТИЗИМ ТАРАҚҚИЁТИГА ЙЎЛ

Барча соҳаларда бўлгани каби, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббиёт муассасаларини барпо қилиш ҳамда уларни энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш жараёнига Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, даволаш ва профилактик ёрдам кўрсатувчи муассасалар ишини замон талаблари даражасига кўтариш-

никанинг Шерматобод, Намуна ва Чуама бўлимлари 7 км. узоқликда) мақбуллаштирилиши натижасида ягона бир ҳудудга жой-

логияли тиббий асбоб-ускуналар – мобил ва стационар рентген, диагностика лапароскоп, наркоз-нафас олиш, фиброскопия, электрокардиограф, ультратовуш текширув аппаратлари, тиббий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари етказиб берилди. Айни пайтда ушбу асбоб-ускуналардан аҳоли саломатлигини сақлашнинг барча жараёнларида унумли фойдаланилмоқда.

Президентимиз томонидан тасдиқланган Инвестиция дастурлари асосида 2009 йилдан бошлаб мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида кенг кўламдаги қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу мақсадлар учун 2009 йилда 9,3 млрд. сўм маблағ йўналтирилган бўлса, 2014 йилда 400,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу 5 йил ичида ажратилган маблағ миқдори 44 баробар ошганини кўрсатмоқда. Ажратилган маблағлар доирасида 2009-2014 йиллар давомида жами 500 дан ортиқ тиббиёт муассасасида қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилиб, ўрнатилган

тижасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган тиббиёт объектлари сифатли ва ўз муддатида топширилишига эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллик байрамига тўёна сифатида республика бўйича жами 32 та тиббиёт муассасасини фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Жумладан, Андижон вилояти бо-

ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмасига асосан, объектларнинг ҳозирги кундаги ҳолати, мақбуллаштириш нуқтаи назаридан жойлаштирилиши ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилишини инобатга олган ҳолда 2015 йилда қурилиши, реконструкция қилиниши ва мукамал



да юқори малакали мутахассислардан ташқари тиббиёт масканлари биноларини мақбуллаштириш ва реструктуризация қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, давлат маблағлари эвазига қурилиш ва реконструкция ишлари амалга ошириладиган туман тиббиёт бирлашмалари тизими тубдан янгиланмоқда, яъни собиқ иттифоқ даврида ташкил этилган кам қувватли, тарқоқ ҳолда жойлашган бирлашма бўлимларини мақбуллаштириш давр талабига айлангани сир эмас. Бундай шифо масканлари ягона бир ҳудудга мужассамлаштирилиб, (оптимизация) сама-

лаштирилгани шифокорлар ишини енгилаштирди. Ушбу вилоятнинг Бўз, Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон, Хоразм вилоятининг Шовот туман тиббиёт бирлашма бўлимлари ҳам худди шундай имконият яратилди.

Шу билан бирга, 2009-2014 йиллар давомида халқаро



ларлар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси, Андижон шаҳар туғруқ комплекси, Жиззах вилояти Зарбдор, Наманган вилояти Чортоқ, Сирдарё вилояти Сардоба, Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар, Фарғона вилояти Бешарик, Фурқат ва Боғдо

таъмирлини режалаштирилган иншоотларнинг дастлабки манзилли рўйхати шакллантирилди. Бунга кўра, келгуси йилда республикадаги 72 туман тиббиёт бирлашмаси, 11 та кўп тармоқли тиббиёт маркази, 17 та силга қарши кураш шифохонаси, 12 та руҳий-асаб касалликлари шифохонасини замонавий қиёфага келтириш мўлжалланмоқда. Айни пайтда бу объектларни лойиҳалаш жараёни бошланди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий инқироз муҳити ҳукм сураётган бир пайтда Ўзбекистон ҳукумати томонидан ижтимоий соҳага



расиз ишлаётган шифо ўринлари реструктуризация қилинмоқда. Натижада бир жойнинг ўзида беморлар учун ҳам диагностика, ҳам амбулатор, ҳам стационар ёрдам кўрсатиш имкони яратилмоқда. Бу албатта, беморни даволаш учун шифокорга енгилик яратилаётганидан далолат беради.

Андижон вилояти Избоскан туман тиббиёт бирлашмасида амалга оширилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, аввал 10 та ҳудудда жойлашган туман тиббиёт бирлашмаси бўлимлари (масалан юқумли касалликлар бўлими 16 км. узоқликда, марказий поликли-

инвестиция (Халқаро ривожланиш ассоциациясининг "Саломатлик-2, 3" лойиҳалари, Араб иқтисодий ривожланиш Қувват фондининг "Шошилиш тиббий ёрдам бўлимларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш" лойиҳаси, Осие тараққиёт банкнинг "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси, КfW банкнинг "Вилоят болалар кўптармоқли тиббиёт марказларини ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш") лойиҳалари доирасида тиббиёт муассасалари учун умумий қиймати 130,0 млн. АҚШ долларидан зиёд турли хил замонавий, юқори техно-

тартибда фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2013 йил 18 ноябрдаги "2014 йил Инвестиция дастури тўғрисида"ги 2069-сонли Қарорига мувофиқ, жорий йилда республикада жами 137 та тиббиёт муассасасида қурилиш, реконструкция ҳамда мукамал таъмирлаш ишлари режалаштирилгани бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётганини кўрсатиб турибди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бунёдкорлик ишларини тизимли тарзда ташкил этиш мониторинг гуруҳлари ташкил қилинган бўлиб, улар томонидан тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган қурилиш-реконструкция ишларининг санитария қоида ва меъёрларига мос эканлиги назоратдан ўтказилмоқда. Аҳоли учун қулай шароит яратилиши, замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлардан тўғри фойдаланиш учун шароит яратилишини таъминлаш, қурилиш-реконструкция жараёнидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, масъуллар иштирокида бартараф этиш учун қурилиш ташкилотлари, худудий "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниялари, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорлик ўрнатиш масаласи ҳам мониторинг гуруҳи аъзолари эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Бунинг на-



туман тиббиёт бирлашмалари, Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонаси, Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят теританосил касалликлари диспансери, Урганч шаҳридаги вилоят силга қарши кураш диспансерида сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бундан

ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Бу Президентимиз раҳнамолигида келажақ учун ажратилаётган сармоя бўлиб, замирида юртимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшишдек улғувор мақсад мужассам.

Фурсатдан фойдаланиб, барча тиббиёт ходимларини истиклолимизнинг 23 йиллик байрами билан кутлаб, уларга оилавий хотиржамлик, соғлиқ-омонлик ва узоқ-умр тилаб қоламан.

**Баходир ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
тиббиёт муассасаларида комплекс
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.**

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

ВАТАН ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОЙИЛИК

хамюртларимиз қалбида мангу яшайди

Ватан тинчлиги, юрт фаровонлиги учун жон фидо этган, керак бўлса оиласи, ширин ҳаётдан воз кечиб, халқ юрагидан вулқон каби отилиб чиққан, мустақиллик шаъни-қудратини сўнгги нафаси қолгунча курашиб энгган қатагон қурбонлари Беҳбудий, Қодирий, Чўлпон Фитратлар ёди бугунги истиқлол даврида яна ҳам қадрланиб, ҳамон тарих саҳифаларида ўчмас муҳр бўлиб келмоқда.

1991 йилнинг 6 феввали. Қатагонга учраган бобокалонимиз Абдулла Қодирийнинг порлоқ хотирасига бағишлаб, унинг номида адабиёт ва санъат соҳасида давлат мукофоти таъсис этилди. А. Қодирий биринчилардан бўлиб, "Мустақиллик" орденига муносиб кўрилди. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан бир ой ҳам ўтмай, 1991 йилнинг 25 сентябрида халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганлар А. Қодирий, Чўлпон, Фитратларга Навоий номидаги давлат мукофоти берилди. Ҳа, мустақил тараққиёт йўлимизнинг илк одимлариданоқ юрт озодлиги ва ҳурлиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни мустақилликка, эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатагон этилган фидойи ватанпарварлар доимо қалбимизда эканлигини исботладик.

Бундай эзгу ишлар табиийки, халқимизда эртанги кунга мустақам ишонч туйғусини шакллантириб, мустақиллигимизни янада мустақамлашга, асраб-авайлашга руҳлантирмоқда.

2000 йилнинг 12 майида Тошкентнинг Юнусобод туманида "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси очилди. Унда бу эзгу ва хайрли ишларнинг ташаббускори Президентимиз иштирок этиб, нутқ сўзлади. "Биз бугун шу табаррук зиёратгоҳда туриб, озод ва эркин Ватан учун жон берган шахидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз. Бу зиёратгоҳни биз қатагон қурбони бўлган, жисми олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Сайд Аҳрорий,

ларини кўз олдингизда гавдалантиради. Тарих — бу ҳақиқат, ўтмиш ва эртанги келажақ. Шундай экан, босиб ўтилган синовли ва машаққатли йўл, аждодларимизнинг энгилмас жасорати ва буқилмас иродаси туфайли бугун ана шундай бахтиёр

биламан", деб ёзади Абдулла Қодирийнинг невараси Назира Одилова "Халқ хотираси олдида бош эгамиз" китобида.

Зеро, Президентимиз: "Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ

саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажақ ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз", деганларида айни ҳақиқатни баён этган бўлсалар, ажаб эмас.

Яқин ўтмишда қолган тарих ҳақиқатларига назар ташлар эканмиз, улар ҳаётида бўлиб ўтган бундай мудҳий кунлар бошимизга тушмаслиги учун сергақ, курашчан яшашга, истиқлолни қадрлаб, эъзозлаб, янада мустақамлаб яшашга ўрганмоғимиз лозимдир.

Намоз ТОЛИПОВ.



Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман", деган эди.

Шу боис, давлатимиз раҳбарининг шахидлар хотирасини қадрлаш ва эъзозлаш йўлидаги эзгу ишлари авлодларга ибрат бўлиб, барчамизни меҳр-муруватли ва ўтган аждодларимиз олдида ҳурмат-эҳтиромли бўлишга ундайди. Эркинлик ва озодликни азалий орзу деб билган азиз юртдошларимизнинг табаррук хоки пойларни эъзозланган "Шахидлар хиёбони" ёдгорлик мажмуи ва "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи бугун пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлар билан гавжум. Сўлим хиёбон ва ўтмиш билан бугунимизни боғлаб турувчи кўприк, шарқироқ зилол сув бизга тарих ҳақиқатларини ботбот эслатиб туради. Айниқса, музей экспонатларидан жой олган тарихий далиллар, фотолар, ҳалар ва қатагон қурбонларига оид ҳужжатлар эътиборингизни ўзига тортиб, ўтган давр воқеа-

кунларга эришиб турибмиз. Истиқлол нашидаси ҳар бир фуқаро қалбидан чуқур жой олиб, эртанги кунга бўлган умид ва ишонч туйғуларини қайта уйғотиб юборади.

Нега биз истиқлолга эришган дастлабки пайтларданок, бу тарихий адолатни тиклашга эътибор қаратдик, деган ҳақли бир савол туғилади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу эзгу ишни амалга ошириш билан ўз тақдиримизга дахлдор бўлган адолатни қарор топтирдик. Бу эса тарихдан улкан сабоқ чиқаришимизда, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришда, юрт ишига дахлдорлик ҳисси билан киришишимизда муҳим аҳамият касб этади.

"Бугун Қодирий номидаги кўчалар, маҳаллалар, мактаб ва институтлар, маърифат ва маданият ўчоқлари тобора кўпайиб бормоқда. Яна бобом яратган асарлардаги гўзал, ибодли, имонли қахрамонлар ҳаётга кўчиб, ўнлаб фарзандларимиз Отабек, Кумуш, Раъно ва Анвар номи билан аталаётганини ҳам қутлуғ истиқлолимизнинг шарофати, деб

Асл фарзандларнинг ардоқда номи

Тарихни варақлаб беором тунлар, Қалбим қатларини бир алам тирнар. Ёдга тушиб машъум қатагон кунлар, Кўксимдаги дардли армонлар инграр.

Маънавият мулкин қилди вайронлар, Зиёли овланди мисли жайронлар. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар, Ёзигим не эди дея ҳайронлар.

Боту, Усмон Носир эссиз ёш эди, Ватан қайғусида кўзда ёш эди. Олис маконларда шахид бўлдилар, Қабри узра чечак маъюс бош эгди.

У қаро кунлар ҳеч ортга қайтмасин, Жаҳолатнинг тонги зинҳор отмасин. Халқимнинг қуёши яна ботмасин, Виждонлар бир умр азоб тортмасин.

Шафқатсиз шамоллар елмасин энди, Богимнинг гуллари сўлмасин энди. Диллар озорларга тўлмасин энди, Ватанимни Оллоҳ қўлласин энди.

Бугун юртим узра гўёки баҳор, Кўзни қувонтириб барқ уриб яшнар. Офтоб ҳам ботолмай маҳлиё боқар, Бундай гўзал бўстон айтинг, қайда бор!?

Асл фарзандларнинг ардоқда номи, Тупроғи тўтиё, баланддир шони. Авлод томирида буюклар қони, Довругин таратар Ўзбекистонни.

Нуриддин РАҲМОНОВ,
Андижон вилояти.**Ташаккурнома****Шарафли касбингизга кўз тегмасин**

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг 23 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ўтган йиллар мобайнида муҳтарам Президентимиз ташаббуси ва бевосита саъй-ҳаракати натижасида барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам қўлга киритилган ютуқлар Ўзбекистон танлаган ривожланиш йўли ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий эканини кўрсатмоқда. Амалга оширилган ислохотлар натижасида тиббий хизмат сифати тубдан ошди, соҳада малакали мутахассислар сони кўпайди, янгидан-янги бинолар қуриб битказилди, турли хавфли касалликлар бутунлай бартараф этилди. Қисқа қилиб айтганда, тиббиёт ривожини учун барча асослар яратилди.

Бунга биз Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси кардиология бўлимида даволаниш жараёнида тўла амин бўлдик. Энг замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган бўлимда барча шароитлар етарли. Бўлим бошлиғи Давлат Аvezов биз беморларга очик чехралик билан муомала қилди. Шифокору ҳамшираларнинг юксак муомала маданияти бизда мамнунлик пайдо қилди. Ахир, тиббиёт ходимининг самимиёлиги у қилмоқчи бўлган муолажанинг аввалидир, деб бежизга айтилмайди. Шу боис соғлигимиз тезда тикланди. Ўз ўрнида клиника бош шифокори Шухрат Дадажонов, кардиология бўлими бошлиғи Давлат Аvezов, даволоччи шифокорлар Ҳасан Умаров, Зиёдулла Фатхуллаев, ҳамширалар Раъно, Назокат, Насиба, Озода ва Умидларга жуда катта миннатдорлик билдирамиз. Уларни ва соғлиқни сақлаш тизимининг барча ходимларини бир гуруҳ беморлар номидан энг улғу ва энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 23 йиллиги билан самимий табриклаймиз. Шарафли касбингизни ардоқлаш йўлида асло ҳорманг! Барча беморлар номидан ҳурмат ва эҳтиром билдириб қолам.

Назарбобо ҚОДИРОВ,
Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Ҳилол қишлоғи.

Фарзанд — оила қувончи, фахри, бахту саодати ва келажаги. Улар билан кўнглимиз тинч, хонадонимиз обод. Аксинча бўлса-чи, бундай бахтсизликни Яратган ҳеч кимга раво кўрмасин.

Набирам Нилуфар Назирова турмушга чиққач, 2-3 йил ўтса-да, фарзанд кўрмади. Хавотиримиз ошиб, уни бир неча жойга қаратдик, аммо натижа чиқмади. Шунда бир танишим Тошкент шаҳридаги 4-туғруқхонада ишлаган врач Махсуд Маҳмудовга учрашиб, у кишининг маслаҳатини олишни тавсия қилди. Умид билан айтилган манзилга келдик.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Махсуд Маҳмудов бизни очик чехра билан кутиб олди. Дардимизни эшитгач, таҳлил хулосалари билан қизиқди ва ҳаётий гаплари билан қалбимизда умид чироғини ёқди. У киши: "Набирангизни ўзим даволайман", деди. Профессорнинг бир неча кунлик муолажаларидан кейин набирамда ижобий ўзгариш рўй берди. Ҳозир у ҳомиладор, эвара кутаяпман.

Шунингдек, врач Зиёда Султонова ҳам набирамга катта ёрдам берди. Оиламизнинг барча аъзолари профессор Махсуд Маҳмудов ва туғруқхона ходимларидан жуда-жуда миннатдор. Буни бошқа сўз билан ифодалашга ожизмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган шифокор ва ҳамшираларни истиқлолимизнинг 23 йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклаймиз. Кўзи ўткир, билими кучли шифокорлар бахтимизга соғ бўлсин, деб тилак билдирам.

Рихсинон РИХСИБОВА,
Янгийўл тумани, Ниёзбош қишлоғи.

Миннатдорлик

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА




Тахририятимизга келаётган мактублар орасида муаллимимиз И. Пягай Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида даволаниб, у ерда беморлар учун яратилган шарт-шароит ҳамда малакали тиббиёт ходимларининг меҳнатидан мамнун эканлигини ўз дил изҳоридида баён этади.

Муаллимимизнинг кардиореабилитация, пульмонология, неврология, қабул бўлимларида фаолият олиб бораётган ўз касбининг устаси, ғамхўр, хушмуомала, камтарин ва фидойи жамоа ходимларининг меҳнатлари нечоғлик машаққатли ҳамда масъулиятли эканлигини тилга олади. Айниқса, кардиореабилитация бўлими бошлиғи Г. Нурмухамедова, даволоччи врач Х. Алимходжаева, ҳамширалар Ш. Соипова, М. Мамасалимова, М. Умарова, Л. Мухамеджанова, Ў. Фанибоева, уқаловчи Х. Бердикулова, кичик тиббиёт ходимларидан Ш. Аҳмедова, З. Ортиқова, Ш. Қодирова, Г. Азимова, К. Аслонова, шунингдек, пульмонология бўлими бошлиғи Б. Арипов, даволоччи врачлар З. Расулова, Ю. Таджиходжаева, ҳамширалар Д. Аҳмедова, М. Фуломова, уқаловчилар З. Болтаева, М. Мирзааҳмедова, Д. Ҳожиметова, неврология бўлими шифокорлари Д. Нажмиддинова, Д. Воҳидова, қабул бўлими бошлиғи Д. Исломовалар хат муаллифи И. Пягай

шифо топишида меҳнатларини аямаганликлари, биргина дори-дармон эмас, балки ўзларининг ширин муомалалари билан бемор қалбларга маҳкам бўлаётганликлари мактубда ўз ифодасини топган. Ҳа, бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайлик, истиқлолимиз шарофати билан бунёд этилган замонавий шифо масканларида меҳнат қилаётган шифокорларимиз хизматидан халқимиз мамнунлигини кўрамыз. Бундай шароит ва имкониятлар Президентимизнинг инсонлар саломатлиги ҳамда соҳа мутахассислари меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрлигининг ёрқин тасдиғидир.

Мактуб муаллифи фурсатдан фойдаланиб, Республика ихтисослаштирилган терапия ва реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази жамоасини мустақилликнинг 23 йиллиги билан қизгин табриклар, уларга узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва яхши кайфият тилаб қолади.
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2014 йил 22 августдаги 10-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг амал қилиши лицензиатларнинг ўз хоҳишига ва ҳўжалик судининг ҳал қилувчи қарорига асосан тўғатилган ҳўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Бектемир тумани, Солнечная кўчаси, 2-уй	"YUNUS-AVTO" хусусий корхонаси	Ю-0160 24.08.2009 й. берилган
2	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 85-уй	"DUK I OH-A-MEY" хусусий корхонаси	Ю-0244 14.10.2009 й. берилган
3	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани, 14-мавзё, 14-уй, 30-хонадон	"SAIDPARADENT" МЧЖ	Ю-0132 28.07.2009 й. берилган
4	Тошкент вилояти	Бўстонлик тумани, Бурчмулло ҚФЙ	"Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий санаторийси"	Ю-0915 23.04.2011 й. берилган
5	Тошкент вилояти	Чирчиқ шаҳри, Бозор тор кўчаси, 4-уй	"FAVORIT-STOM" хусусий корхонаси	Ю-1011 28.08.2011 й. берилган
6	Фарғона вилояти	Кўкон шаҳри, Гулханий кўчаси, 40-уй	"АЗИЗБЕК САЛОМАТЛИК СТОМАТОЛОГИЯСИ" хусусий корхонаси	Ю-0789 23.12.2010 й. берилган

7	Андижон вилояти	Шаҳрихон тумани, Шаҳрихон шаҳри, К.Ёқубов кўчаси, 61-уй	"TONG TASHXIZ" МЧЖ	ПЮ-0624 30.01.2012 й. берилган
8	Сирдарё вилояти	Сайхунобод тумани, Нурота ҚФЙ, "Пахтаобод" маҳалласи	"Паланги Сайхун" хусусий корхонаси	Ю-0382 24.08.2009 й. берилган
9	Наманган вилояти	Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 99-уй	"DILBAROY MALHAM SHIFO SERVIS" хусусий корхонаси	Ю-0755 28.10.2010 й. берилган
10	Наманган вилояти	Наманган тумани, Ирвадон ҚФЙ, Ирвадон қишлоғи, Улуғбек кўчаси, 7-уй	"MIRZAIKROM" хусусий фирмаси	Ю-0770 30.11.2010 й. берилган
11	Навоий вилояти	Навоий шаҳри, Фалаба шохкўчаси, 137-уй, 2-корпус, 13-хонадон	"ТИБВИЙОТ" фирмаси	ПЮ-6115 24.05.2011 й. берилган
12	Қашқадарё вилояти	Яккабўғ шаҳри, А.Темур кўчаси, 4-уй	"PRESS STOM" фирмаси	Ю-0883 28.03.2011 й. берилган

Ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри, А.Баҳодирхон кўчаси, 205-уй, 9-хонадон	"РОЗИЯДЕНТ" хусусий корхонаси	Ю-0595 31.05.2010 й. берилган	Хоразм вилояти Ҳўжалик судининг 2014 йил 11 августдаги 22-1403/7282-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди

101 хизмати

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИШ ЗАРУР

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ биноси ҳудудида Тошкент шаҳар гарнизонидаги ёнғин ўчириш автоуловлари байрам олди техник кўриқдан ўтказилди. Кўриқ давомида ёнғин ўчириш автоуловларининг ташқи кўриниши, анжомлари, техник ҳолати, шунингдек, шахсий таркибининг жанговар шайлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Метц" 1224 АЦ-40, "Магирус Н-60" автонаронви, "Камаз", "Рено", "Марс автонаронви Н-50", "Бронта" ҳамда "DAEWOO" ёнғин ўчириш автомобиллари харид қилиниб, халқ фаровонлиги йўлида фойдаланиш учун топширилди.

Кувонарли томони бу каби махсус автоуловлар ўзимизда, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги "СамАвто" корхонасида ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимида "ISUZU" F серияли 2, 4 ва 6 тоннали ёнғин ўчириш автомобиллари етказиб берилляпти. Бу албатта, ёнғинга қарши кураш ишларининг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Адҳам КЕНЖАЕВ,
ЁХБ 12-ХҲХО 2-ХҲХ
алоҳида пост катта инспектори, сержант.

Мана, куз фасли ҳам юртимизга кириб келмоқда. Бу фаслда кўчалар ва боғларда ҳазонрез даври бошланади.

Айни пайтда кўпчилик фуқароларимиз тўкилаётган дарахт барглари, қуриган ўт-ўланларни йиғиб қўяди. Аммо уларни чиқариб ташлаш эса кўп ҳолларда кечикиб кетиши табиий. Айнан мана шу тўпланган қолган ҳазонлар ёнғин хавфини оширади, чунки қуриган барглarning аланга олиши учун битта чўғнинг ўзи кифоя. Айримлар эса сигарета қолдиғини ўчирмай ҳазонлар устига ташлаб кетади ва унинг натижасида ёнғин содир бўлиши табиий.

Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз, атрофимиздагиларни, айниқса болаларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга ундашимиз лозим. Бу борада ҳар бир ота-она, шунингдек, ўқув муассасалари раҳбар ва ходимлари тарғибот ишлари олиб боришлари катта аҳамиятга эга. Зеро, болаларимизнинг олов билан ўйнашларига йўл қўймаслик баробарида уларнинг саломатлигини сақлаган бўламыз.

Музроб ТУРСУНОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.



2014 йил – Соғлом бола йили **БАХТЛИ БОЛАЛИКНИНГ ШОДОН ДАМЛАРИ**

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида кўплаб тиббиёт муассасаларида байрам тадбирлари ўзгача шукуҳ билан кутиб олинмоқда. Шу жумладан, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Соғлом бола йили муносабати билан “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида вазирликда меҳнат қилаётган ходимларнинг фарзанд ва набираларини биринчи синфга кузатишга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси раиси Иван Железняк кириш сўзи билан очиб, мактаб остонасига қадам қўяётган болажонларни қизгин кутлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

жонлар ўзлари ёд олган шеърларини мароқ билан ўқидилар. Тадбирда севимли хонандамиз Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ва бир қанча таниқли санъаткорлар ҳамда В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг иқтидорли ўқувчилари



ўринбосари Шавкат Тиллаев тадбир иштирокчиларини, аввало, энг азиз ва улуғ бўлган мустақиллик байрами билан табриклаб, истиқлол бу олий неъмат эканлигини эътироф этиб, биринчи синфга қабул қилинаётган кичкинтойларни самимий кутлади ва уларга вазирлик томонидан тақдим этилган қимматбаҳо совғаларни улашди. Даврага кўтаринки кайфият бахш этган бола-

ижро этган куй ва кўшиқлари иштирокчиларни янада хушнуд қилди.

Байрамонга кайфиятда ўтган ушбу тадбир келажакимиз бўлган болажонларимизнинг бахтли кунларига атаб ўтказилган экан, бундай байрамлар янада кўпроқ бўлишини истаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши

Сиз азиз тиббиёт ходимлари ва
юртдошларимизни энг улуғ, энг
азиз байрам – Мустақиллигимизнинг
23 йиллиги

билан қизгин ва самимий
муборакбод этади.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,
оилавий бахт, Ватан равнақи йўлидаги
меҳнатларингизда улкан
зафарлар тилайди!

Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Ватан мадҳи

СЕНГА ЖОНИМ ФИДО...

Тарихингни эслаб бўйлайди дилим,
Озодлигинг сўйлаб чарчамас тилим,
Эркин ва бунёдкор сен, она элим,
Гулларга ошён боғу бўстоним,
Сенга жоним фидо, Ўзбекистоним.

Сенда Бобур ўтган, ўтган Навоий,
Сенда Темури ўтган, ўтган Атоий,
Улар ҳам жонини қилган фидойи,
Фарзандлари жасур, нурли ошёним,
Сенга жоним фидо, Ўзбекистоним.

Мадҳиянгни куйлаб, тинмас забоним,
Бугун сен-да менинг ёруғ жаҳоним.
Ҳар дам сенда менинг ўйу хаёлим,
Қишда ҳам баҳорий, наврўз, найсоним,
Сенга жоним фидо, Ўзбекистоним.

Отам туғилган юрт, ота маконим,
Онамга бахт бўлдинг сен, соябоним,
Юрагимда урган чексиз туғёним,
Халққа таянч бўлган буюк кўрғоним,
Сенга жоним фидо, Ўзбекистоним.

Дилафрўз АБДУЖАЛИЛОВА.

ЭНГ СЕВИКЛИ КЎШИҚ

Меҳрин бериб аллагаган бешик ўзинг,
Бу жонимга жаннатмакон эшик ўзинг.
Ҳофизга ҳам энг севикли кўшиқ ўзинг,
Кўкда Тангрим мадад берган, жоним Ватан,
Сенга фидо бу жоним-у таним, Ватан.

Кўнглим ила осмонингда оққуш бўлай,
Юрагингда не дардинг бор – ўзим олай,
Кўксингда мен оташ юрак бўлиб қолай,
Кўкда Тангрим алқаб турган, жоним Ватан,
Сенга фидо бу жоним-у таним, Ватан.

Сенинг меҳринг, шафоатинг кўрки дилда,
Темуригун Бобурларинг тушмас тилдан,
Навоийнинг китоблари тушмас қўлдан,
Кўкда Тангрим зиё сочган жоним Ватан,
Сенга фидо бу жоним-у таним, Ватан.

Гулсал МАЛИКОВА.

Газета
муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5439 нусха.
Буюртма Г-858.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

